

Жиззах вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти

"Амалий фанлар" кафедраси

“БОЙЧЕЧАК”

Ўзбек халқ кўшиқларидан термалар

(Услубий тавсиянома)



Жиззах -2012 йил

Жиззах ВПКҚТМОИ Илмий Кенгашининг 2012 йил _____
даги _____ -сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

Тўпловчи: Сиддиқова Гулноза
“Амалий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Тақризчилар: ЖВПҚҚТМОИ
“Мақтабгача ва бошланғич
таълим” кафедраси мудириси: А.Мелибоев

А.Қодирий номли ЖДПИ
Муסיқа таълими бўлим бошлиғи: А.Маҳамматов

Ушбу тавсияномада ўзбек халқ кўшиқларидан термалар жамланган бўлиб, умумтаълим мактаб ўқувчилари, касб-хунар коллежи талабалари ўртасида турли тадбирлар ўтказиш юзасидан тавсиялар берилган.

Кириш

“Муסיқа –инсон руҳининг маънавий озукасидир” дейди доно халқимиз.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач барча соҳалар қаторида муסיқа ва санъат соҳасига ҳам алоҳида эътибор кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7-январдаги “Болалар муסיқа ва санъат ” мактабларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ф-2908-сонли фармойишининг бажарилиши бўйича бугунги кунда Республикамизда эстетик тарбияни такомиллаштиришга ва зарурий шарт-шароитларни яратиб беришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, ўзида маънавий бойликни, ахлоқий покликни ва жисмоний баркамолликни мужассамлаштирган инсонни тарбиялаш-жамиятимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Ўсиб-улғайиб келаётган ёш авлодни эстетик дид ва эҳтиёжларини камол топтиришда муסיқа машғулотларининг роли катта. Умумтаълим мактабларида, мактабдан ташқари тарбия муассасаларида, тўгаракларда ва тадбирларда халқ кўшиқ ва рақсларининг ижро этилиши, асрлар оша куйланиб келинаётган кўшиқларни йўқолиб кетмаслигига ва оғиздан-оғизга ўтиб аждодлар меъросини сақлаб қолишга муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Халқ тафаккурини ва ҳаётини ифодаловчи куй-кўшиқлар жуда кўп ва улар ҳозиргача севиб ижро этиб келинмоқда.

Уларнинг ҳар бири ҳис-ҳаяжон уйғотувчи, кишини ўйлашга, фикр мулоҳаза юритишга ундовчи таъсирчан кучга эга.

Инсон руҳига кўшиқ чақалоқлигидаёқ алла орқали сингдирилади, қолган умри давомида ҳам кўшиқ унга ҳамроҳлик қилади.

Ўзбек миллий кўшиқларининг маромига етказиб куйлаш, тингловчининг юрагига таъсир қилдириш ҳам бир-санъат.

Қўлингизга тақдим этилаётган ушбу тавсияномада муסיқа машғулотларида, синфдан ташқари тўгарак соатларида, шу билан

бирга турли байрам тадбирларида ижро қилиниши мумкин бўлган ўзбек халқ кўшиқлари жамланган.

Мазкур тавсиянома II қисмдан иборат бўлиб, I қисмида тўпланган халқ кўшиқларининг кўпчилик қисми мактаб ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мос равишда ўзгартирилган.

II қисми эса 7-9 синфларга мўлжалланган. Сабаби, бу ёшда ўқувчилар ўсмирлик ёшга етиб, уларда йигит-қизларга хос инсонийлик фазилатлари шаклланган бўлади. Шунга кўра тавсияномада халқ кўшиқлари, лапарлар, дуэт шаклида яъни йигит ва қизларга хос айтишув кўшиқлари ҳам киритилган.

Шу билан бирга тавсияномани касб-ҳунар коллежлари ва лицей талабалари ҳам турли тадбирларда берилган халқ кўшиқларига ижодий ёндошган ҳолда фойдаланишлари мумкин.

I-қисм

Ҳар бир халқнинг оромбахш куй-оҳанглари, қўшиқ айтимлари бир сўз билан айтганда миллий муסיқаси бўлади.

Ушбу тавсияномани I-қисмидаги ўзбек халқ қўшиқлари умумтаълим мактаблари ўқувчилари ёшига мос равишда ўзгартирилган.

Б О Й Ч Е Ч А К.

Ўзбек халқ кўшиғи.

Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди.
Айронингдан бермасанг
Қозон-товоғинг вайронди.

Нақарот;

Қаттиқ ердан қатраб чиққан бойчечак.
Юмишоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Бойчечагим хиллоли,
Ҳамён-ҳамён тиллоли,
Ҳамма бозор бир бозор,
Атрофлари лолазор.

Нақарот;

Бойчечакни тутдилар,
Сим ёғочга осдилар.
Қилич билан чопдилар
Бахмал билан ёпдилар.

Нақарот;

Қаттиқ ердан қатраб чиққан бойчечак,
Юмишоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.
Бола-бола, бола-бола, бола-бола, бола-бола
бойчечак,

БОЙ-ЧЕ-ЧА-А-К!

Л О Л А Ч А .

Халқ кўшиғи.

Аст бўламиз лолача,
Рост бўламиз лолача.
Эрта туриб салом деба,
Дўст бўламиз лолача.

Қизғалдоқ лола эмас,
Капаси қалъа эмас.
Лола униб чиқмаса-ё,
Бу дала , дала эмас.

Нақарот:

Пичоғи йўқ қин эмас,
Юлдузи йўқ тун эмас.
Лолачани кўрмасак,
Ўтган кунлар кун эмас.

Нақарот:

Аст бўламиз лолача,
Рост бўламиз лолача.
Эрта туриб салом деба,
Дўст бўламиз лолача.

Ё М Ғ И Р Ё Ғ А Л О Қ.

Ёмғир ёғалоқ
Ям-яшил ўтлоқ.
Энди экинлар
Чиқарар қулоқ.

Нақарот:

Яшнасин дала,
Очилсин лола.
Тоғлар қўйнида мисли,
Шалола.

Баҳор келганда
Очилар гуллар.
Қўйлар, қўзилар
Ўтлашга чиқар.

Нақарот:

Боғда арилар
Гулларга қўнар,
Очилган гуллардан
Болларни йиғар.

Нақарот:

О М О Н Ё Р.

Омон ёр ўйнасангчи-ё , омон ёр
Белингни боғласангчи-ё, омон ёр.
Мактабимиз қизлари омон ёр,
Бир-биридан чиройли-ё , омон ёр.

Нақарот;

Оҳ,додай, воҳ додай омон ёр,
Очилиб ўйнасангчи-ё, омон ёр.
Шундай гўзал, замонда омон ёр
Сочилиб, ўйнасангчи-ё омон ёр.

Гул тагида гул ховуз омон ёр,
Гул тергани келганмиз омон ёр.
Гулни баҳона қилиб омон ёр,
Қиз кўргани келганмиз омон ёр.

Нақарот:

Тоғда бордир дўлона ,омон ёр,
Боғда бордир бедана омон ёр
Мактабимиз қизлари омон ёр,
Бир-бирига дугона омон ёр.

Нақарот:

ҲЕЙ ЛОЛА.

Лолачада ишим бор ҳей лола,
Киссамда кишмишим бор, ҳей лола.
Кишмиш бўлса майлига, ҳей лолаей,
Анов қизга ишим бор, ҳей лола.

Том устида пиёла ҳей лола ,
Ичи тўла гул лола ҳей лола.
Нари туринг бўз бола ҳей лолаей,
Уялади қиз бола, ҳей лола.

Лола ўзи қиз бола, ҳей лола,
Тоғда ўсган қиз бола , ҳей лола.
Лолачани кўрганда, ҳей лола
Санаб, санаб уз бола , ҳей лола.

У Ч А Л А Қ И З.

Учала қиз чиқди ариқ бўйига, бўйига
Бири райҳон, бири сунбул, бири гул. 2 (марта)

Энг каттаси чаккасига гул таққан, гул таққан.
Бири райҳон, бири сунбул, бири гул (2 марта)

Ўртанчаси асло қиё боқмайди, боқмайди
Бири райҳон, бири сунбул, бири гул (2 м)

Энг кичиги энди тўлди олтига, олтига
Бири райҳон, бири сунбул, бири гул (2 м)

Э Р Г А Ш Қ Ў Ш И Ғ И .

Сувдан кўтардим кўза,
Кўзада олтин ғўза.
Кўза-ю, ғўза кўлимда
Яллила бобо, ялла.

Узимзорлардан шинни,
Чинникорлардан чинни.
Чинни-ю, шинни-ю
Анжиру-занжиру,
Кўза-ю, ғўза кўлимда.
Яллила бобо, ялла.

Соатга олдим занжир,
Боғлардан тердим анжир.
Анжир-у занжар-у,
Чинни-ю, шинни-ю
Кўза-ю, ғўза кўлимда
Яллила бобо ялла.

Ўрмонлардан арча,
Бофандалардан парча.
Арча-ю, парча-ю,
Занжир-у, анжир-у,
Чинни-ю, шинни-ю,
Кўза-ю, ғўза кўлимда
Яллила бобо, ялла.

НАҲОРИ НАШТА.

Ўзбек халқ кўшиғи.

Эрта билан тураман наҳори наштаей, наҳори
нашта.

Ўнг қўлимда игнаю, тиззамда кашта-ё, тиззамда
кашта.

Бориб айтинг ўша қалами қошга-ё, қалами қошга
Бораверади, келаверади ваъдаси бошқа-ё,
ваъдаси бошқа.

Нақарот;

Эй дўсти ёрим, кўзи хуморим,
Меҳр билан менга қаранг қалами қошимо,
қалами қошим.

Ўйинга тушган қизларнинг нози чиройли-ё,
нози чиройли.

Ўнг юзига ярашган холи чиройли-ё, холи
чиройли.

Ўнг юзига ярашган холи бўлсачи-ё, холи
бўлсачи,

Чап юзига ярашган нози чиройли-ё, нози
чиройли.

Нақарот;

Эй дўсти ёрим, кўзи хуморим,
Ўнгга қаранг, чапга қаранг қўлимда торима,
қўлимда торим.

Қ А Р Ғ А Л А Р.

Қарғалар учса қарайлик,
Марғилоннинг йўлига.
Ҳиди келса маст бўлайлик,
Ҳандалакнинг бўйига.

Ҳандалак бўйликкинамсен,
Сен унда зор, мен бунда зор (2марта)
Тўти қушнинг боласидай
Иккаламиз интизор (2марта)

Нақарот;

Ҳиди келса , маст бўлайлик,
Ҳиди келса, маст бўлайлик.
Ҳандалакнинг бўйига.
Яна ҳандалакнинг бўйига.

К О В У Ш И М.

(Афанди қўшиғи)

Ковушим тангра қушим
Боғларни кезган ковушим.
Сабзай обиравон ,
Тоғларни кезган ковушим.

Ковушимни териси
Хўкизнинг ўрта белидан .
Кеча у тушиб қолибди,
Нақд, оёғим панжасидан

Нақарот:

Ковушим тангра қушим
Боғларни кезган ковушим.
Мени шеригим бўлиб,
Тоғларни кезган ковушим.

Ковушимни тополмай
Овора-ю, мен сарсонман.
Ким уни топиб берса
Суюнчига мен тайёрман.

(сўз билан)

Суюнчисига-чи болалажонлар,
Мана бу-бир пойини бераман. . .
Э-хе-ҳей...й...

Нақарот:

Ковушим тангра қушим
Боғларни кезган ковушим.
Сабзай обиравон ,
Тоғларни кезган ковушим.

II- қисм

ЛАПАРЛАР.

Халқ лапарлари ва айтимлари азал-азалдан ўзбек халқининг севиб ижро этиб келинган қўшиқлар сарасига кириб, халқ чолғу асбоблари ва хонандалар жамоаси жўрлигида рақсга тушиб ижро этиб келинган.

Тавсияноманинг II-қисмида ўсмир ёшидаги йигит қизларга хос халқ лапарлари ва айтишув қўшиқлари жамланган.

Шу билан бирга тавсияномани коллеж ва лицей талабалари ҳам турли тадбирларда берилган халқ қўшиқларига ижодий ёндошган ҳолда фойдаланишлари мумкин.

ЎЗГА БИЛМАСИН.

(Лапар)

Гул тагидан гул ўсади шохчалаб,
Мани ёрим гаплашмайди ўпкалаб.
Гаплашмаса гаплашмасин ўпкалаб,
Ўзим бориб гаплашаман, эркалаб.

Нақарот:

Ўзи билса билсин, ўзга билмасин
Севишимни ғанимлар асло сезмасин.

Кўйлагингни ким тикибди, тор этиб,
Мани ёрим гаплашмайди ор этиб.
Гаплашмаса гаплашмасин ор этиб,
Ман кетаман изларимга зор этиб.

Нақарот:

Ўзи билса билсин, ўзга билмасин
Севишимни ғанимлар асло сезмасин.

НАҲОРИ НАШТА

(Лапар)

Эрта билан тураман ноҳори наштаей,
ноҳори нашта.
Ўнг қўлимда игна-ю, тиззамда каштаей,
тиззамда кашта.
Бориб айтинг ўша қалами қошгаей,
қалами қошга.
Бораверади, келаверади ваъдаси бошқа-ё,
ваъдаси бошқа.

Нақарот:

Эй нозли ёрим, кўзи хуморим ,
Меҳр билан менга қаранг вафоли ёрим-а,
вафоли ёрим.
Ўйинга тушган қизларнинг нози чиройли-я,
нози чиройли.
Ўнг юзига ярашган холи чиройли-я,
холи чиройли.
Ўнг юзига ярашган холи бўлсачи-ё,
холи бўлсачи, ҳо-о,
Чап юзига ярашган нози чиройл-я,
нози чиройли.

Нақарот:

Баланд тоққа чиқманг ака қоқилиб кетасиз-о,
қоқилиб кетасиз.
Чиройлига кўнгил берманг доғда қоласиз-о,
доғда қоласиз.
Чиройлининг юзларида упаси бордир-о,
упаси бордир, ҳо-о,
Упасини оберган акаси бордир-о,
акаси бордир.

Нақарот:

Шохимардон тоғларида эримайди қора,
эримайди қор.
Орқасидан чақирсам қарамайди ёра,
қарамайди ёр.
Қараса қарамаса на парвойим бора,
на парвойим бор.
Ёшлигимда кўнгил берган вафодорим бора,
вафодорим бор.

Нақарот:

Эй нозли ёрим, кўзи хуморим ,
Меҳр билан менга қаранг вафоли ёрим-а,
вафоли ёрим.

Ё Ш Л И Г И М Д А .

Ёшлигимда қора майизни кўп ер эканман, ҳо
кўп ер эканман.

Тилгинамнинг ширинлиги шунданмикан, ҳо
вой, шунданмикан. (2 марта)

Шунданмикан ёра, вой шунданмикан.

Ёшлигимда ўсмаларни кўп қўйар эканман, ҳо
кўп қўйар эканман.

Қошгинамнинг қаролиги шунданмикан, ҳо
вой шунданмикан.

Шунданмикан ёра, вой шунданмикан.

Ёшлигимда қизил олмани кўп ер эканман, ҳо
кўп ер эканман.

Юзгинамни қизиллиги шунданмикан, ҳо
вой шунданмикан.

Шунданмикан ёра, вой шунданмикан.

Д О И Р А Д У М - Д У М А ...

(Лапар)

Доира дум-дума,
Баҳорги мавсума,
Келса баҳор гул-ғунчалар
Қилар табассума.

Юрак дук-дук этоди,
Ёр олдига борганда.
Сўзи учун борамано,
Дардга дармон олгани.

Ёр уйга келар бўлса,
Ёр учун нима олай,
Жонимни харид қилиб,
Ёримни меҳмон қилай.

Доира дум-дума
Баҳорги мавсума.
Келса баҳор гул-ғунчалар,
Қилар табассума.

ДУТОР ЧАЛИБ ЎТИРСАМ...

Халқ сўзи.

Дутор чалиб ўтирсамо, ёрим келди ёнимга,
Дилда ўти бор экан, ишқин солди дилимга-ё,
Ёр-ёрахон, ишқин солди дилимга.

Дутор чалиб ўтирсамо, ипи узилиб кетди.
Ўзга ёри бор экан-о, кўнглим бузилиб кетди-ё,
Ёр-ёрахон, кўнглим бузилиб кетди.

ЎЙНАНГ ДЎСТЛАР.

Атиргул айтади, очиламан деб,
Яхшиларнинг чаккасига санчиламан деб.
Яхшиларнинг чаккасига санчилиб олиб,
Ёмонларнинг оёғида янчиламан деб.

Нақарот:

Ўйнанг дўстлар, ўйнанг
Кўргони келдик.
Сизлар билан даврон
Сургони келдик.

Атиргул сўлгонига йиғлайму-ё,
Юрак-бағрим тўлгонига йиғлайму-ё.
Маҳаллада шунча йигитлар туриб
Бегонага бергонига йиғлайму.

Нақарот:

Ўйнанг дўстлар, ўйнанг
Кўргони келдик.
Сизлар билан даврон
Сургони келдик.

СИЗНИНГ АЙВОН.

Халқ сўзи.

Сизнинг айвон - бизнинг айвон эмасму,
Ўртасида чинни равон эмасму?
Келасиз, кетасисиз бир суз демайсиз,
Ҳаммаси юракда, армон эмас-му?

Тоғда арча минг йил умр кўрарми?
Шохи синса, заргар кумуш қиларму?
Заргарнинг қилгани кумуш бўлмаса,
Билиб берган кўнгил жудо бўларму?

Сен гўзални излаб чўлларни кездим,
Ўшал кезган чўллар бўстон эмасму?
Сенинг жонинг менга қурбон бўлмаса,
Менинг жоним сенга қурбон эмасму?

БОҒДА УЧРАТДИМ САНИ.

(Халқ кўшиғи)

Боғда учратдим сани,
Гулбоғда учратдим сани.
Ҳар замонда бир қараб,
Ўзингга ўргатдинг мани.

Олмани оқи билан,
Ёнида япроғи билан.
Мани ёрим хат ёзади,
Кичкина бармоғи билан.

Олмани айирдилар,
Шохларин қайирдилар.
Яхши кўрган ёримдан
Номардлар айирдилар.

ТОМ БОШИДА ТОҒОРА.

Том бошида тоғора
Тоғорада зоғора.
Зоғорани ёполмай дода,
Чоли кампир овора.

Нақарот:

Ёрим кетаман дейди-я,
Кетказгани қўймайман.
Йўлларига чим босиб, дода,
Ўтказгани қўймайман.

Кетсанг кетавер ёрим,
Кетсанг, нима парвойим,
Шу жоним омон бўлса, дода,
Яна битта севгоним.

Нақарот:

Ёрим кетаман дейди-я,
Кетказгани қўймайман.
Йўлларига чим босиб, дода,
Ўтказгани қўймайман.

Самарқанднинг сойига,
Тушди тилло узугим.
Қачон келар эканлар дода,
Ўшал кўзи сузигим.

Нақарот:

Келса кела қолсинлар
Ўшал кўзи сузигим,
Жонимни садағаси, дода,
Менинг тилло узугим.

Нақарот:

Кетсанг кетавер ёрим,
Кетсанг нима парвойим,
Шу жоним омон бўлса дода,
Яна битта севгоним.

Қ О Р А Қ О Ш.

Йигит:

- Қошингни қора дейдилар,
Қора қош укам ёр-ёр,
Ширинсўз укам ёр-ёр,
Кўрсат қошингини мен бир кўрайин,
Жоним уками-ей, ёр-ёр.

- Қиз:

- Қошимни кўриб нима қиласиз,
Сиз акажоним, ёр-ёр.
Яна акажоним ёр-ёр.
Қалдирғочни қанотини
Кўрмабмидингиз ёр-ёр.

Йигит:

- Сочингни узун дейдилар
Сочи узун укам, ёр-ёр.
Узун соч укам, ёр-ёр.
Кўрсат сочингни мен бир кўрайин,
Жоним уками-ей, ёр-ёр.

Қиз:

- Сочимни кўриб нима қиласиз

Сиз акажоним ёр-ёр

Яна акажоним ёр-ёр.

Мажнунтолнинг шохларини

Кўрмабмидингиз ёр-ёр.

Йигит:

- Юзингни қизил дейдилар

Қизил юз укам ёр-ёр.

Ширин сўз укам ёр-ёр

Кўрсат юзингни мен бир кўрайин,

Жоним уками-ей, ёр-ёр.

Қиз:

- Юзимни кўриб нима қиласиз,

Сиз акажоним ёр-ёр,

Яна акажоним ёр-ёр,

Бозордаги ширмой нонни кўрмабмидингиз,

ЁР-ЁР!!!

Б И Л А К У З У К.

Ҷиз:

- Сои бӯйида турган йигит
Қошу кўзини сузган йигит,
Билакузугимни олган йигит,
Олган бўлсанг бер, билакузугимни.

Йигит:

- Сои бӯйида турганим йўқ,
Қош кўзимни сузганим йўқ,
Билакузугингни олганим йўқ,
Олганлар берсин билакузугингни.

Ҷиз:

- Майдон аро юрган йигит,
Саман юрға минган йигит,
Билакузугимни олган йигит,
Бергин энди-ё, билакузугимни.

Йигит:

- Майдон аро юрганим йўқ,
Саман юрға минганим йўқ,
Билакузугингини олганим йўқ,
Олганлар берсин билакузугингни.

Қиз:

- Оқ отингга ёл бўлайин,
Ўнг бетингга хол бўлайин,
Ёринг йўқ бўлса, ёр бўлайин-о,
Энди бергино билакузугимни.

Йигит:

- Оқ отимга ёл, бўлар бўлсанг,
Ўнг бетимга хол, бўлар бўлсанг.
Ёрим йўқдир, ёр бўлар бўлсанг-о,
Мана олгино, билакузугингни.

ИЛИЛЛА ЁР.

-Илилла ёрим уйғонсин,илилла ёр,илилла,
Сочлари белига чўлғонсин,илилла ёр,илилла.

Қиз:

- Рўмолимни олибсан, илилла ёр,илилла,
Олиб дорга солибсан, илилла ёр,илилла,

Қиз: - Рўмолимни бер баққа,илилла ёр, илилла,
Йигит: -Ҳазилингни қўй аққа,илилла ёр, илилла.

Қиз:- Санга тегмай ман ўлай, илилла ёр,илилла,
Йигит:- Сани олмай ман ўлай,илилла ёр,илилла

.

Бирга:- Тоза қолдик чатокқа, илилла ёр,илилла.

О С М О Н Д А Г И Ю Л Д У З .

Осмондаги юлдузни,
Санаб етоман дема.
Юракларим куйдириб,
Ташлаб кетоман, дема.

Ёрим етган ерларга
Мен ҳам бормай қолмайман.
Йўлларига кўз тутиб,
Соғинчидан толмайман.

Уйим олди катта боғ,
Райҳон экоман, дейман.
Ёримга совға қилиб,
Дўппи тикоман, дейман.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. А.Ҳасанов “Муסיқа ва тарбия” “Ўқитувчи” нашрети 1993 й.
2. Т.Е. Соломонова. “Ўзбек муסיқаси тарихи” Т; “Ўқитувчи” нашрети 1981 й.
3. С.Ҳ. Йўлдошева. Ўзбекистонда муסיқа тарбияси ва таълимнинг ривожланиши “Ўқитувчи” нашрети 1985 й.
4. А.Эргашев. “Муסיқа ва таълим”. “Маърифат” газетаси. 5 октябр 2011 й. № 80-сон.
5. И.Қудратов “Халқ кўшиқлари тўплами” Тошкент “Ўқитувчи” нашрети 2003 й.
6. А.Ҳасанов, Н.Норхўжаев, А.Миррахимов “Муסיқа” 3-синф, Тошкент “Ўқитувчи” нашрети 2004 й.
7. Р.Шамшиева. Ўзбек халқ кўшиқлари тўплами. Услубий тавсиянома 2009 й.
8. Республика таълим маркази тавсияси. Муסיқа маданияти (1-7-синфлар) Тошкент “Ўқитувчи” нашрети 2010 й.

Мундарижа

I–қисм:

1. Кириш	3-4 б.
2. Бойчечак	5 б.
3. Лолача	6 б.
4. Ёмғир ёғалоқ	7б.
5. Омон ёр	8 б.
6. Ҳей лола	9 б.
7. Учала қиз	10 б.
8. Эргаш қўшиғи	11 б.
9. Наҳори нашта (ўзгартирилган)	12 б.
10. Қарғалар	13 б.
11. Ковушим	14 б.

II–қисм. Лапарлар ва айтишувлар.

1. Ўзга билмасин	15 б.
2. Наҳори нашта	16-17 б.
3. Ёшлигимда	18 б.
4. Доира дум-дума	19 б.
5. Дутор чалиб ўтирсам	20 б.
6. Ўйнанг дўстлар	21 б.
7. Сизнинг айвон.	22 б.
8. Боғда учратдим сани	23б.
9. Том бошида тоғора	24-25 б.
10. Қора қош	26-27 б.
11. Билакузук	28-29 б.
12. Илилла ёр	30 б.
13. Осмондаги юлдуз	31 б.

